


КУТУБХОНАСИ
ТАДБИРК ТОВАР ИНСТИТУТИ



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (11.374)

Баҳоси эркин нархда


ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

- **ФУКАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида Ахборот-таҳлил маркази ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловларда қонун устуворлигини таъминлаш масалалари борасида ўзаро фикр алмашилди.
- **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетидида ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар иштирокида ўтказилган тадбирда битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.
- **ШАХРИМИЗДА** Республика «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар, туманлардаги маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўқув-семинари ташкил этилди.
- **ИТАЛИЯДА** рақс мактаблари ўқувчилари ўртасида уюштирилган халқаро фестивалда иштирок этиб, совринли ўринлардан бирига сазовор бўлган «Ассалом, Янги авлод» рақс дастаси аъзолари шахримизга қайтиб келишди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар ИИББ Йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси ташаббуси билан шахримизда Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлги доирасида ташкил этилган семинарда пойтахтимиздаги йўлвочи ташкил қорхоналари раҳбарлари, ходимлари иштирок этишди.
- **ФАФУР** Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида хоразмлик кўғирчоқбоз уста, Хонқа туман маданият уйи қошидаги «Жайхун» халқ кўғирчоқ театрининг бадий раҳбари Мансур Курязовнинг «Тошкент — эртақлар шаҳри» мавзусида уч кун давом этган шахсий асарлари кўргазмаси БУГУН ақунланди.
- **ЎЗБЕК**-япон марказида уюштирилган тадбирда навбатдаги менежмент курси битирувчиларига сертификатлар топширилди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар хўжалик судида ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланди.
- **ТАСВИРИЙ** санъат галереясида ўзбекистонлик 50 нафардан ортиқ ҳайкалтарошлар томонидан яратилган бахорни тараннум этувчи асарлар кўргазмаси санъат икломсманлари эътиборига хавола этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухборларимиз хабарларидан).



ПОЙТАХТИМИЗДА
ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН
КЎПЛАБ КОРХОНАЛАР
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКИШ,
ЕРНИ ЎЙИТЛАШ, ИШЛОВ
БЕРИШ, ЙИҒИБ ОЛИШ, ЕР
ҲАМДА УНДАН
ОЛИНАДИГАН ҲОСИЛ
УНУМДОРЛИгини
ОШИРИШ МАҚСАДЛАРИГА
КЎМАКЛАШУВЧИ
МАШИНА ВА ТЕХНИКА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
БОРАСИДА ФАОЛИЯТ
ЮРИТМОҚДА. УЛАР
ОРАСИДА «АГРЕГАТ
ЗАВОДИ» ОЧИҚ
АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ АЛОҲИДА
АЖРАЛИБ ТУРАДИ.

Иқтисодиёт

ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАГИ МАҲСУЛОТЛАР

Мазкур жамият бугунги кун талабларига мос маҳсулотлари билан ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топмоқда.

Корхона цехлари бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ре-

конструкция қилиниб, замонавий компьютерлаштирилган бошқарувга эга бўлган хорижий дастгоҳ, технологик линия, ускуналар билан жиҳозланди. Натижада кўплаб импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар заводда тайёрланмоқда. 500 нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг тажриба, малакаси, самарали саъй-ҳаракатлари билан сифатли машина, насос, сепялка, редукторлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар орасида «ОВХ-600» русумидаги сепялка, «НШ-32», «НШ-50», «НШ-100» русумли насослар хариддорлиги билан ажралиб туради.

Этиборли томони, бозор талабига, хариддор дидига мос, ишлатишда қулай, сифати юқори даражадаги маҳсулотларни тайёрлашда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этилаётган, имкониятлардан оқилона фойдалана оладиган малакали мутахассислар ва корхона тадбиркорларининг роли каттадир. Масалан, жамоа аҳлининг саъй-ҳаракатлари билан ўтган 2008 йилда корхонанинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6 миллиард 440 миллион сўмни ташкил этди. Бу эса 2007 йиллик кўрсаткичга нисбатан ўсиш суръати 112,1 фоизга ортаганлигини кўрсатади.

Ушбу корхона маҳсулотлари «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан экспорт қилинмоқда, ўтган йили Туркменистон давлатига экспорт ҳажми 1 миллион 566 минг доллардан иборат бўлди.

Жорий йилда ҳам жамият тадбиркорлари янги ҳамкорлар, янги лойиҳалар устида ишлаб, юкка марраларни қўзламоқдалар. Улар ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йил охиригача 9 миллиард сўмга етказишни ҳамда (Туркменистон сафига Россия, Қозғистон, Қирғизистон давлатларини қўшган ҳолда) экспорт ҳажмини 3 миллион долларга кўтаришни ўз олдидарига қўйган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Ўз имкониятларини тўғри чамалаган жа-

моа ахли бозорни чуқур ўрганиш асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш-ни ҳам режавий равишда амалга оширишмоқда. Хариддор эҳтиёж ва талабидан келиб чиққан ҳолда ҳамда сифатига асосий эътибор қаратиб уй-рўзғорда асқотадиган, ишлатишда қулай ва осон, узоқ муддат хизмат қиладиган бежирим, асосийси, нисбатан арзон товарлар хариддорлиги таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур жамият томонидан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардор, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлай-тириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлаш борасида амалий ишларни режаллаган. Йил охиригача замон талабларига мос янги технологик линия келтирилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон талаблари даражасида бўлиши таъминлиниши корхона тадбиркорлари режаларида катъий белгиланган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам «Агрегат»чилар қишлоқ хўжалиги машина, агрегат, насос, сепялкаларнинг бозорбоп ва хариддор турларини қўлайтириш, буюртмаларни сифатли адо этиш, жаҳон талаблари даражасидаги товарларни тайёрлашни йўлга қўйиш бугунги бозор иқтисодиётининг асосий талаблари эканлигини яқини аниқлаган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

Хакимжон Солихов олган суратлар



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги ҳамда «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Давлат патент идорасидаги ижроси муҳокама этилди.
- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.
- Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида Халқаро театр кунига бағишлаб ташкил этилган тадбирда юртимиздаги театрлар жамоалари вакиллари, режиссёрлар, актёрлар, санъатшунослар иштирок этди.
- Самарқанд Давлат университети қошидаги 1-академик лицейда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари орасида умумтаълим бўйича олимпиаданинг III босқичи бўлиб ўтмоқда.
- Дўстлик туманидаги «Навбахор» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси худудидаги «Уста Сафар ота» фермер хўжалигида Исроил технологияси асосида сутни қайта ишлаш мини заводи фаолият бошлади. Бу ерда тайёрланаётган қадокланган қаймоқ, пишлоқ, қатик, сариёғ, творог сингари ўн хил маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.
- Навоийда Ўзбекистон ва Канада ишбилармонлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Кармана гипс маҳсулотлари» кўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда йилга 4 миллион квадрат метр қурилишбоп гипскартон ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.
- Тошлоқ туманидаги Бўстон қишлоғидаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Мўътабар» хусусий корхонасида сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. 15 киши фаолият кўрсатаётган хусусий корхонада бир кеча-кундузда бир тоннадан ортиқ сут қайта ишланмоқда. Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган бўлиб, бу яна 20 кишини иш билан таъминлашга имкон яратади.

ЖАҲОНДА

- Кеча Австрия пойтахти Венада ядро хавфсизлиги бўйича халқаро симпозиум ўз ишини бошлади.
- АҚШ ҳукумати «Женерал Моторс» ва «Крайслер» автомобил ишлаб чиқариш компанияларининг тузилмасини ўзгартириши муносабати билан қўшимча маблағ ажратишга қарор қилди.
- Италия пойтахти Рим шаҳрида меҳнат вазирлари иштирокида «Катта саккизлик» мамлакатларининг ижтимоий саммити бўлиб ўтди. Унда глобал иқтисодий инқироз туфайли жаҳон мамлакатларида қашшоқлар сони яна икки юз миллионга ортиб, тез орада бир ярим миллиард кишига етиши мумкинлиги таъкидланди.
- Буюк Британия ва Бразилия давлатлари «Катта йигирматалик»нинг апрель ойида ўтказилаётган саммитида янги жамғарма тузиш тақлифини илгари суришга келишиб олишди. Келишувга кўра мазкур жамғармага юз миллиард АҚШ доллари микдоридида маблағ жалб этилади ва у дунё савдо айланмасини ривожлантиришга йўналтирилади.
- Туркияда ўтказилган муниципал сайловлар давомида 5 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Япония ҳукумати ҳузуридаги Хавфсизлик қўмитаси ҳарбийларга шу йил апрель ойида КХДР томонидан коинотга учирладиган сунъий йўлдошни хавфсизлик нуқтаи назаридан уриб туширишга рухсат берди.
- Хитойдаги «Цзяньфан» кимё комбинатида иш пайтида шифт кўчиши оқибатида ўндан ортиқ киши ҳалок бўлди ва бир неча киши оғир жароҳатланди. Маълумотларга кўра, мазкур корхона таъмир талаб бўлган.
- Еврокомиссия Покистонга йиллик молиявий ёрдам кўрсатиш ҳажмини 50 миллион еврога оширди.
- Халқаро валюта фонди Грузияга 187 миллион долларлик навбатдаги молиявий ёрдамни кўрсатди.
- Сурия илк бор Ливанга ўз элчисини юборди.
- Германиялик икки нафар фермерда парранда гриппи вируси борлиги аниқланди. Маълумотларга кўра, вирус уларга зарарланган ўрдақ орқали ўтган. Маълумот сифатида шуни таъкидлаш керакки, 2003 йилдан бўён ушбу хасталик дунё бўйича 250 кишининг умрига зомин бўлди.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ахбороти тингланган, ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2008 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдagi фаолияти кўриб чиқилиб, ШХТга аъзо давлатларда «уч ёвуз куч»га қарши кураш ижобий натижалар бергани қайд этилди. Бундай натижаларга эришишда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури кенг имконият яратди. Таъкидландики, ШХТ МАТТнинг режалаштирилган тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳа-

сидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди. У томонларнинг тақлифларини ҳамда ШХТ доирасида янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши кураш масалаларидаги ҳамкорлик ривожининг суръатини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2009 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминоти ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада тақомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 27 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мажлисини Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Сўзга чиққан сенаторлар таъкидлаб ўтдиларки, 2008 йилда бошланган ва амалда дунёнинг барча мамлакатларига дахл этган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатди ва ҳамон ўз таъсирини ўтказмоқда. Шунга қарамай, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида ўтказиб келинаётган пухта ўйланган иқтисодий стратегия шарофати билан, ислох этиш ҳамда модернизация қилишнинг Ўзбекистон модели изчиллик билан рўёбга чиқарилаётганиги, таркибий тузиллишдаги туб ўзгаришларга, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатдаги молия-иқтисод, банк-кредит тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлашига доир чора-тадбирлар натижасида инқирознинг оғир оқибатларидан ҳоли қолишга ва иқтисодиётимиз барқарор равишда фаолият кўрсатишига эришишга, унинг изчил ўсиш суръатларини, одамларнинг хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашга муваффақ бўлинди.

(Давоми 2-бетда).

